

СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ НОМЛИ МИЛЛИЙ ВИДЕО ЎЙИН ОРҚАЛИ ЁШЛАРНИНГ ТАРИХИЙ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШ

Абдикадилова Нигора Сабиржановна.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

e-mail: nigoraabdikadirova@uzdjtsu.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14711951>

Аннотация: Ушбу мақолада Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолиятига оид қисқа маълумот берилган. Жалолиддин Мангубердининг буюк сиймоси келажак авлод учун идеал образ тимсолини миллий видео ўйин орқали ёшлар онгига сингдириш муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: Жалолиддин Мангуберди, ёш авлод, саркарда, ватанга мухаббат.

"СУЛТАН ДЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ" В ВИДЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ ВИДЕОИГРЫ ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ ИСТОРИЧЕСКИХ ЗНАНИЙ МОЛОДЕЖИ

Абдикадилова Нигора Сабиржановна

Узбекский государственный университет физической культуры и спорта

e-mail: nigoraabdikadirova@uzdjtsu.uz

Аннотация: В данной статье представлены краткие сведения о жизни и деятельности Джалалиддина Мангуберди. Важно внедрить образ великого деятеля Джалалиддина Мангуберди в сознание молодежи через национальную видеоигру для будущего поколения.

Ключевые слова: Джалалиддин Мангуберди, молодое поколение, военачальник, любовь к Родине.

"SULTAN JALALUDDIN MANGUBERDI" AS A NATIONAL VIDEO GAME TO ENHANCE YOUTH'S HISTORICAL KNOWLEDGE

Abdikadirova Nigora Sabirjanova

Uzbek State University physical culture and sport

e-mail: nigoraabdikadirova@uzdjtsu.uz

Abstract: This article provides brief information about the life and work of Jalaliddin Manguberdi. It is important to introduce the image of the great figure Jalaliddin Manguberdi into the consciousness of young people through a national video game for the future generation.

Keywords: Jalaliddin Manguberdi, young generation, military leader, love for the Motherland.

ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ

Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги маълумотларни келажак авлодга етказиб бериш орқали буюк саркарда сиймосини абадийлаштириш, ҳамда уларга ўрнатилган бўладиган ҳислатларини миллий видео ўйин орқали ёшлар онгига сингдириб боришдан иборат.

ТАДҚИҚОТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ижтимоий тараққиётнинг бугунги босқичида тарихни билиш, англаш, уларга ҳолисона баҳо бериш муаммоси доим долзарб бўлиб келган. Айниқса, бугунги кунда, улкан ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар юз бераётган глобаллашув, кутбланиш жараёнлари авж олаётган бир даврда, тарихни англаш, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини

аниклаб олиш кўпгина халқлар учун ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Тарихий тадқиқотларда манбаларга мурожат қилиш, шу жумладан ёзма манбалар асосида яратилган илмий ишлар барча даврда қиймати юқори бўлган. Турон ўлкасининг мўғуллар истилоси ёритилган манбаларининг деярли барчасида сўнгги Хоразмшоҳ султон Жалололдин Мангуберди (1198-1231) ҳақида маълумотлар келтирилади. Шу нуқтаи назардан ҳаётнинг инсоният олдиға қўяётган кескин саволларға жавобни инсон жамиятлар тарихи, ўтмишдан излаши бежиз эмас. Мазкур воқеа-ҳодисаларға баҳо бериш бизға бугунги кун муаммолари хусусида тўғри фикр юритиш, уларға объектив ёндашиш, келажакда ўтмиш хатоларини такрорланмасликка ёрдам беради

Юртимизда киберспортни кенг оммалаштириш ва ёшларға қулайликлар яратиш мақсадида “Киберспорт турларини янада ривожлантириш ва кенг оммалаштиришға оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Бу борада Мазкур йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 ноябрдаги “Киберспорт турларини янада ривожлантириш ва кенг оммалаштиришға оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-423-сонли қарори, Бугунги кунда шуғулланувчи спортчиларни техник ва тактик ҳаракатларини тўғри шакллантириш ва уни ривожлантириш киберспорт туриға бўлган қизиқишларини ошириш, уларни спорт турларига йўналтириш бўйича илмий асосланган чора-тадбирларни тизимли равишда амалға ошириш зарур ҳисобланади. Айниқса, спорт таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш муҳим ҳисобланади ҳамда бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ўз самарасини беради. Киберспорт турларини ривожлантиришда шуғулланувчи спортчиларни техник ва тактик ҳаракатларини тўғри шакллантириш ва уни ривожлантириш ҳаракат фаоллигини ошириш тизимини ишлаб чиқиш ва ёшларни киберспортға жалб қилиш ишларини тизимли ташкил қилиш зарурлигини кўрсатади.

Шу сабабдан киберспорт турида шуғулланувчи спортчиларни техник ва тактик ҳаракатларини тўғри шакллантириш ва уни ривожлантириш ҳаракат фаоллигини ошириш миллий ведио ўйинни яратиш ва ёшлар онгида миллийлик ва тарбиявий аҳамиятға эға ведиоўйин ишлаб чиқишни ўз олдимишға мақсад қилдик. Шу мақсадни амалға оширишни ташкил қилиш орқали илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришда қуйидаги вазифаларни комплекс ҳал қилишға қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди:

1. Ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида киберспорт турларига ёшларни кенг жалб қилиш учун Султон Жалололдин Мангуберди ведио ўйини образларини яратиш амалиётға жорий этиш.

2. Миллий ведио ўйинда тарихий қаҳрамонлар, жангчиларнинг ҳатти-ҳаракатлар эскизи персонлаштирилади ва киберспортчиларға миллий ўйин алгоритмлари яратиш ва такомиллаштириш.


3. Киберспортда ёшларнинг жисмоний таёргарлик кўрсаткичларини ривожлантирувчи ва ўйинни юклаб олиш ва тарихий маълумотлар ва манбаларға асосланган янги инновасион компютер платформасини яратиш.

4. Киберспорт соҳасидаги мутахассислар билан Республиканинг барча ҳудудлардаги таълим муассасалари ҳамда ташкилотлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш механизмини амалиётға жорий қилиш.


Биз тадқиқотимизни Чирчиқ шаҳар ва Бўстонлик мактабалирида олиб бордик тадқиқотимизға иккита тажриба ва назорат гуруҳларини жалб қилдик.

Тажриба ва назорат гуруҳи иштирокчиларидан тадқиқот бошида тарихий манбаларни билиш даражасини аниқлашга асосланган анкета сўровнома ўтказилди.

Сўровнома натижаларини диграмма орқали билиб олшингиз мумкин.



1-расм. Тажриба гуруҳи иштирокчиларининг Султан Жалолоддин Мангубердининг тарихий маълумотларини аниқлаш



2-расм. Назорат гуруҳи иштирокчиларининг Султан Жалолоддин Мангубердининг тарихий маълумотларини аниқлаш

Маъмун Университети, “Тарих кафедраси” тарих фанлар доктори (ДсС), доцент Машарипов Қудрат Юлдашевич ва бошқа олимлар ишларини таҳлилига асосланиб Султон Жалолоддин Мангуберди – буюк хоразмшоҳлар давлатининг сўнгги вакили, хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг тўнғич фарзанди, мустақиллик учун фидокорона кураши, ажойиб саркардалиқ фаолияти, шахсий жасорати, Ватанга муҳаббати билан тарихдан муносиб ўрин олган давлат арбоби.

Жалолоддин Мангуберди Алоуддин Муҳаммад ва унинг туркман канизаги Ойчечакдан (1198 йили) туғилган. У 1215 йилда Ғазна, Бомиён, Буст, Такинобод,

Заминдовар, Шимолий Ҳиндистон ерларига ҳоким ва тахт вориси этиб тайинланган. Момоси Туркон хотун ва қипчоқ амирларининг норозилиги сабабли укаси Қутбиддин Ўзлокшоҳ фойдасига ворисликдан маҳрум этилди. Алоуддин Муҳаммад фарзандларини 1220 йили тўплаб, ўлими олдидан Жалолоиддин Мангуберди Хоразм ҳукмдори деб эълон қилди. Урганч мудофааси учун етиб келган Жалолоиддин Мангуберди бу ерда Тукон хотуннинг акаси Хумор Тегиннинг султон деб эълон қилинганлигини ва унга суиқасд уюштирилаётганини сезиб, уч юзта суворийси билан Урганчни тарк этиб, Хуросон томонга қараб йўлга чиқади. Нишопур яқинида ўзидан икки баробар кўпроқ бўлган душман кўшинини енгиб, шаҳарга киради. Бу ерда кўшин тўплаб Кандаҳорни қамал қилиб турган мўғиллар устига юриш қилиб, уларни тор-мор этади. 1221 йилда Ғазнага етиб келган Жалолоиддин Мангубердига олдин қўшилган қайнотаси, Ҳирот волийси Аминалмулкдан ташқари ҳалаж қабиласи бошлиғи Сайфиддин Иғроқ, Балх волийси Аъзам Малик, афғонлар сардори Музаффар Малик, қорлуқлар бошлиғи Ҳасан Қорлуқ ўз аскарлари билан қўшилдилар. Маёфарикин вилоятидаги қишлоқлардан бирида мўғуллар тунги ҳужум натижасида Жалолоиддин Мангубердининг оз сонли кўшинини тор-мор келтирдилар, Жалолоиддин Мангубердини ўзи эса таъқибдан қутулиб Қурдистон тоғларига чиқиб кетган. Бу ерда қароқчи курдлар қўлига асир тушиб, фожиали равишда ҳалок бўлган.

Жалолоиддин Мангуберди ҳақида унинг шахсий котиби, тарихчи Насавий шундай ёзади: “Жалолоиддин қорачадан келган, ўрта бўйли, турк лафзли одам эди. Форс тилини ҳам яхши биларди. Унинг ботирлигига келганда шуни айтиш керакки, султон арслонлар орасидаги энг кучли шер эди. Бир сўзли, кек сақламайдиган, очиқ кўнгил, тўғри одам эди. У жиддий шахс эди. Ҳеч қачон кулмасди. Жуда нари борса жилмайиб қўярди. У адолатсизликларни ёмон кўрарди. Жалолоиддин ўта қатъиятли, ниҳоятда иродали, мураккаб вазиятларда, тақдирнинг қалтис синовларида ўзини йўқотиб қўймайдиган фавқулодда мард ва ботир саркарда эди.

Ўзбекистон ҳукумати Жалолоиддин Мангубердининг мўғул босқинчиларига қарши курашда кўрсатган мислсиз жасорати, ватанга ва ўз халқига садоқат ва чексиз муҳаббатини кадрлаш ва унинг порлоқ руҳини абадийлаштириш мақсадида “Жалолоиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш ҳақида” қарор қабул қилди (1998). Қарорга кўра, унинг юрти Хоразмда Жалолоиддин Мангубердига ҳайкал ўрнатилди, йирик кўча, майдон, жамоа корхоналари ва бошқаларга унинг номи қўйилди. Жалолоиддин Мангубердининг ҳарбий юришларида ҳамроҳ бўлган тарихчи Насавий Жалолоиддин Мангубердига бағишлаб “Сийрат ас-султон Жалолоиддин Мангуберди” (“Султон Жалолоиддин Мангубердининг ҳолати”) номли асар ёзган. Жалолоиддин Мангуберди ҳақида видео фильм, достон, пьеса ва бошқалар яратилган. 2000 йилнинг 30-августида “Жалолоиддин Мангуберди” ордени таъсис этилган.

Қуйидаги манбаларнинг муаллифлари тасвирлаётган воқеаларга гувоҳ бўлганлиги, ёки даврий жиҳатдан Жалолоиддин замонага яқин бўлганликлари учун ҳам улардаги маълумотлар объективлик, тарихийлик ва бошқа тарихий тамойиллар нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этадиган ведио ўйин яратилди.

Яратилган ведио ўйинни тажриба гуруҳи иштирокчиларига синовдан ўтказиб уларни ўйин орқали тарихий маълумотларни ошириб боришди.

Назорат гуруҳи эса анъанавий тарих дарсларидаги маълумотларга таяниб маълумотларни билиб олишди тажриба охирида ўтказилган сўровномага асосан. Тажриба гуруҳининг Султон Жалолоиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги маълумотлар

30% га киберспорт тури бўйича уларнинг диққатини ва қўл маторика сифатлари 25% яхшиланганлигини кўришимиз мумкин.

Тажриба гуруҳининг Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги маълумотлар 15% га киберспорт тури бўйича уларнинг диққатини ва қўл маторика сифатлари 18% яхшиланганлигини кўришимиз мумкин.

ХУЛОСА

Халқаро тажрибалардан маълумки, тарихий қахрамонларимиз сиймоси гавдаланган ўйинлар, улар орқали юртимизнинг бой тарихи, маданияти бутун дунёга таралишини, айниқса, Жалолиддин Мангуберди каби жаҳонгирлар олиб борган жангу-жадаллар, бунёдкорлик лавҳаларининг ўзида акс эттирган, ёшларимиз учун тарбиявий аҳамиятга эга бўлган видеоўйинлар яратиш асосида жисмоний саломатликни таъминловчи воситаси сифатида, балки, инсонни маънавий камолга етказишнинг муҳим шарт сифатида ҳам янги билимлар ва тушунчалар шаклланди.

Шундай қилиб, Султон Жалолиддин Мангуберди шахсияти ва ўз ватани озодлиги йўлида қўлига қилич олиб, душманга қақшатқич зарбалар келтира олган Хоразмнинг мард ўғли Жалолиддин Мангуберди ҳарбий фаёлиятини ўрганишда бирламчи манба ҳисобланади. Тадқиқ этилган манбаларда келтирилган Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва ватанга эътиқод йўлидаги фаолиятини ўрганиш ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг ватанга эътиқод, чексиз муҳаббат, ғурур ва ифтихор, ватан ва халқ тинчлиги йўлида жон фидо этиш, инсонпарварлик каби қарашларини ривожлантириш ва шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Буриев О., Тошев Н. Жалолиддин Мангуберди. (1999). “Фан” Тошкент: Б. 69.
2. Қ. Машарипов. Жалолиддин Мангуберди – Буюк ватанпарвар саркарда – Тошкент: “Наврўз” нашриёти. 2019.- 400 б.
3. Ақобиров М.Х. Султон Жалолиддин Мангуберди қўшини ва ҳарбий санъати.[Матн] Бухоро: “Садриддин Салим Бухорий” Дурдона, 2023. - 188 б.
4. [ҳттпс://зиёуз.уз/илм-ва-фан/тарих/озбекистон-ҳукмдорлари/зҳалолиддин-мангуберди](https://ziёуз.уз/илм-ва-фан/тарих/озбекистон-ҳукмдорлари/зҳалолиддин-мангуберди)